

Африканинг учта давлатига 120 минг дона Қуръони карим тарқатилади



15:03 / 07.02.2019 1602

Африка Қуръон нашрлари ва жаҳон мусулмон ёшлари уюшмаси томонидан имзолаган битимга кўра, Африканинг учта давлатига 120 минг дона Қуръони карим нашрдан чиқарилиб, тарқатилади, деб хабар беради IQNA.

Маълум бўлишича, шу кунгача ушбу уюшма томонидан Африка қитъасига 4 млн. дона Қуръони карим тарқатилган. Мазкур лойиҳа ушбу йўналишдаги фаолиятнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади.

Islom.uz портали таҳририяти